2005 YIL 30 AVGUST, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 105. (6.942). Sotuvda erkin narxda

## Президент Ислом Каримовнинг «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги НУТҚИ

Муҳтарам фестивал қатнашчилари!

Азиз меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш гўзал ва бетакрор Самарқанд «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва унинг меҳмонларига бағрини кенг очиб бермоқда.

Барчангизни — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг муҳтарам иштирокчилари ва унинг азиз меҳмонларини чин қалбимдан нафақат Самарқанд аҳли, балки диёримизда яшайдиган барча миллат ва элатлар номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз азим Самарқандга, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб қутлашга ижозат бергайсиз.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улуғвор Шарқ олами намоён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Қадим Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан худдики мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек ҳиссиёт туғилади. Бу садолар мана шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар қайси инсонга бамисоли тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб бериб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаб тургандек туюлади.

Азиз дўстлар!

Бугун биз ўта таҳликали ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай нотинч бир даврда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиладиган, инсониятнинг муштарак ва бебаҳо бойлиги бўлган мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

Ҳеч кимга сир эмас: дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.

Бугун биз ҳам сизларни — ўзимизнинг азиз меҳмонларимизни дунёнинг яқин ва узоқ жойларида истиқомат қилаётган халқларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи, уларнинг саломи ва самимий тилакларини етказувчи тинчлик ва дўстлик элчилари деб қабул қиламиз ва қадрлаймиз.

Қани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршиликлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адоватлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал мусиқа садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка даъват этса!

Бундай фикр ер юзидаги соф ниятли барча инсонлар, бутун борлиғини олижаноб мақсадларга бағишлаган сиз каби минг-минглаб санъат аҳли намояндалари қалбидаги орзу-интилишларнинг яққол ифодаси, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Фестивал доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, ўзининг худо берган истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва мукофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта.

Менга буюрса, барчангизни бағримга босиб, сизларга энг юксак, энг катта мукофотимизни — кўнгил бойлигимиз, қалб саховатимизни берган бўлардим.

Имкониятдан фойдаланиб, халқимизнинг, биз сизларни юртимизда кўришдан, ноёб санъатингиздан баҳраманд бўлишдан бахтиёрмиз, доимо азиз меҳмонимиз бўлинг, деган самимий дил изҳорини сизларга билдирмоқчиман.

Анжуман кунларида сизлар Самарқанднинг бетакрор табиати, кўҳна ва ҳамиша навқирон қиёфаси, тенгсиз меъморий ёдгорликлари билан танишар экансиз, меҳмонга қалбини очиб, меҳрини берадиган Самарқанд аҳли билан мулоқотда бўлиб, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўриб, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг жонкуярларидан бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро мусиқа кенгаши раҳбарларига ушбу анжуманни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдираман.

Қимматли вақтини аямай, бугунги фестивал ишида яқиндан иштирок этаётган, ЮНЕСКО Бош конференциясининг президенти Майкл Омелева жанобларига, жаҳондаги мусиқа оламида юксак ном ва обрў қозонган севимли санъаткорларимизга, шу жумладан, Франциядан Самарқандга ташриф буюрган Шарль Азнавур жанобларига алоҳида ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Сизларни анъанавий мусиқа анжуманининг очилиши билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, фестивал ишига муваффақият тилайман.

Шарқ мусиқаси, Шарқнинг ҳаётбахш оҳанглари одамзодни ҳамиша эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.

## Кунннинг муҳим воқеалари

● 26-27 август кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Матбуот ва ахборот агентлиги ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантини яратди

● «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган почта маркаси муомалага чиқарилди.

● Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида «Демир текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади.

● Алишер Навоий номли кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Хотира рашки» бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда «Тошкекстиль» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида «Фото-Ретро» деб аталган кўргазма очилди.

● Андижон вилояти марказида майдони 3,27 гектарга тенг бўлган янги бозорнинг биринчи навбати ишга туширилди.

● Ховос туманида олти юз ўринли янги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

● Бухоро вилоят марказидаги «Сомонийлар боғи»да полизчилик анъаналарини ривожлантириш, Бухоро қовунлари шуҳратини қайта тиклаш, йўқолиб бораётган навларни кўпайтириш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилаётган анъанавий «Қовун сайли» бўлиб ўтди.

● Навбаҳор туманидаги «Ижанд» қишлоғида қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлашга ихтисослашган янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими"**

**Бандин Анатолий Федорович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кўчқоров Тоҳир Анварович** - Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"**

**Назаров Икром Усмонович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"**

**Тошматов Валижон** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашаётгани, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Мамо Владимир Адольфович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпус командирининг ўринбосари

**Наумов Виктор Владимирович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**I даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Чиналиев Зокирали Ниёзқулович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Абдураҳимов Ғанижон Муллажонович** (марҳум) - Андижон шаҳар прокурори

**Бобожонов Мурод Йўлдошбоевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Боймирзаев Асқарали Ҳасанбоевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғаффоров Ўткирбек Эргашевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Зоҳидов Шуҳратбек Ўткирович** (марҳум) - Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Қамчиев Салимберди Худойбердиевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «Корея-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сикни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаол ва самарали хизматлари учун «Корея-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сик «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 29 август

## Самимий қутловлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан самимий салом ва қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Бизнинг анъанавий қалин ва дўстона муносабатларимиз кейинги йилларда анча мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ривож топди. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз. Ишончим комилки, бизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз халқларимизнинг ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланишига ва равнақ топишига ёрдам беради, минтақадаги тинчлик ва барқарорликка кўмаклашади.

**Юксак эҳтиром ила,**
**Авул Пакир Жайнулабиддин Абдул ҚАЛАМ, Ҳиндистон Республикаси Президенти**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан самимий салом ва қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар илдизи тарихга ва бизнинг муштарак маданий анъаналаримизга бориб тақалади. Сизнинг жорий йил Ҳиндистонга буюрган ташрифингиз кўп томонлама алоқаларимизга катта омил бағишлади. Шуни мамнуният билан қайд этаманки, бизнинг анъанавий қалин ва дўстона алоқаларимиз ўзаро манфаат йўлида доимо мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Манмохан СИНГХ, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали бутун дўст Ўзбекистон халқига Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллаш шарафига муяссарман.

Ўзбекистон Республикаси халқи мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида ўз мамлакатининг реалликларига мос бўлган ривожланиш йўлидан оғишмай бориб, муҳим ютуқларга эришди. Биз бунга чин дилдан қувонмоқдамиз.

Шу йилнинг май ойида Сиз, Жаноби Олийлари томонидан Хитойга муваффақиятли ташриф амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

## Эзгуликка чорлар кўҳна наволар



Самарқанддан махсус мухбиримиз Мамадиёр Зиёдинов хабар қилади.

***Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд яна байрамлар оғушида. 27 август куни анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантаналар ғоят кўтаринки руҳда ўтди.***

Байрамона безатилган кўҳна Регистондаги катта саҳнага мусиқа садолари остида анжуман иштирокчилари – 50 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар кириб келишди. Регистон майдони узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фестивал иштирокчиларини самимий қутлади. Муҳтарам Юртбошимиз ўз сўзида халқларни бир-бирига яқинлаштиришда, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишда ушбу халқаро анжуманнинг маънавий аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

**"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ – 2005"**

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Майкл Омелева, "Шарқ тароналари" V халқаро мусиқа фестивали ҳайъат раиси таниқли мусиқашунос ва бастакор Таг Ги О (Корея Республикаси), фестивал меҳмони, франциялик машҳур хонанда Шарль Азнавурлар "Шарқ тароналари"нинг нуфузи ортиб бораётганини мамнуният билан эътироф этиб, самимий тилакларини билдиришди.

(Давоми 2-бетда)

## Абдулла ОРИПОВ: Истиқлолимиз - абадий

### Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан суҳбат

**- Яна бир неча кундан сўнг халқимиз ўз мустақиллигининг 14 йиллигини байрам қилади. Истиқлол йилларида халқимиз мисли кўрилмаган ютуқ ва ўзгаришларга эришди. Ана шу ютуқларимизнинг, Сизнингча, энг муҳими ва улкани нималарда ўз аксини топган?**

- Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улкан ютуқ - мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сақлаб қолинган ва тобора мустаҳкамланаётган тинчлик-осойишталикдир. Бу, аввало, халқимизнинг эртанги кунига мустаҳкам ишончи демакдир. Негаки, юртингда тинчлик-осойишталик бўлмаса, эртанги кунга ишонч қолмайди, ичадиган бир пиёла чойинг ҳам татимайди. Элдан хайру барака юз ўгиради.




Бизнинг бахтимиз - эртанги кунимиздан, тинч-осойишта ҳаётимиздан кўнглимизнинг тўқлигида. Президент Ислом Каримов фахр-ифтихор билан таъкидлаб айтганидек, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигига ишонади. Инсоннинг энг катта бойлиги, саодати шу - эмин-эркин яшашида, хотиржамлигида! Шунинг учун боболаримиз дуога қўл очганларида, аввало, Яратгандан тинчлик-хотиржамлик тилайдилар.

(Давоми 3-бетда)

## НАЗОРАТ

## Фаровонлик манбаи

***Ҳамма замон ва маконларда ер инсон ҳаёти фаровонлигининг асоси, мамлакат бойлигининг асосий манбаи бўлиб келган. Шу сабабдан ҳар бир давлат ўз тасарруфидаги замин сарҳадларини кўз қорачиғидек асрайди, ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига эътибор кучайди. Бу соҳада қатор қонунлар ва қарорларнинг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Бу ўринда "Ер кодекси", "Кооператив (ширкат) хўжалиги тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги каби қонунлар мажмуасини эслаш кифоя.

(Давоми 4-бетда)

## Жароҳат

***Чортоқда "домла" деган халқона иззат билан оғизга тушган муаллимлар кўп. Қурбон Ҳамидий домла, Тошбоев домла, Саримсоқов домла, Усмонов домла, Юнусов домла, Чўлпонов домла, Қозоқов домла... Мирзахолов домла ҳам бир неча авлод йўлига маърифат чироғини ёққан ана шу устоз чароғбонлар рўйхатига ёзилса арзийди, албатта.***

Аббосхон Мирзахолов тумандаги биринчи олий маълумотли математик, қарийб ярим аср шу фандан сабоқ берди. Яқинда у киши билан узоқ суҳбатлашдик, аммо сўзимиз домланинг педагогик фаолияти ҳақида бўлгани йўқ. Устознинг азоб-уқубатларга тўла, ватанжудоликда ўтган фожиона болалиги тўғрисидаги хотиралари ҳам мисоли бир дарсдай ибратли эди.

***

**31 август - Қатоғон қурбонларини ёд этиш куни**

Мирзахол уч бора ҳажга борганди. Унинг сўнгги сафари юрт бузилган сана – 1917 йилга тўғри келди. Ҳожининг юз таноб ери, жувозхонаси, қўштегирмони, от-араваси ҳам бор. Бойларни йўқотиб, камбағалларни кўпайтириш ғаразидаги янги ҳукуматнинг табиатига бунақанги одамлар асло тўғри келмасди.

Большавойларнинг бу хусусдаги дарғазаблиги отиш, қамоқ, қатағон, қулоқ, сургун каби жазоларда ўз ифодасини топди. Бор-буди тортиб олиниб, бойлигидан жудо қилинган эллик чоғли "ёт унсур" 1931 йил августида пахта пунктига оиласи билан қамалди. Бир ҳафтадан сўнггина ҳукуматнинг мақсади аён бўлди: махсус поездни кутишаётган экан. Улар юкланган ёпиқ юк вагонида на сув, на ўчоқ-мўри, ҳатто таҳорат ушатиш жойи ҳам йўқ...

–Мен 7-8 ёшларда эдим, - дейди Мирзахолов домла. – Бир ҳафтагача пахта пункт ҳовлисида қанча болани офтоб уриб кетди, мен ҳам касал бўлиб қолдим. Сув йўқ, овқатни ҳар замонда қариндошларимиз келтириб бериб туришади, кейин ақлим етганда билсам, улар ўз бошидан қўрқмай мардлик қилишган экан.

(Давоми 6-бетда)

## МУЛОҲАЗА

## Илмда ҳаёт, илмсизликда хорлик бор...

***Китоб ўқиш шартмикан? Китобнинг ўрнини компьютер-у телевизор бемалол босади-ку. Китоб ўқишнинг сусайиб бориши табиий ҳол. Бу жараённи ҳеч ким тўхтата олмайди, деган фикрлар пайдо бўла бошлади.***

Бу тўғримикан? Эҳтимол бунинг аксидир?! Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолмас...

Суҳбатдошларимизнинг шу мавзудаги сўзларига қулоқ тутинг:

**Жарқўрғон туман саломатлик маркази директори Эргаш Ҳайдаров:**

–Яқинда бир китоб дўконига, сўнгра кутубхонага бордим. Республикада танилган, сурхондарёлик ёш шоирларнинг янги китобларини сўрадим.

(Давоми 6-бетда)

## Устувор эътибор ифодаси

***Яқинда матбуотда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.***

Мазкур қарор ҳарбий хизмат нуфузини оширишга, юрт ҳимоячиларининг ижтимоий масалаларига давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратилаётганини яна бир бор исботлади. Буни ҳамсуҳбатларимиз ҳам таъкидлашиб, шундай дедилар:

**МУНОСАБАТ**

**Подполковник Умид СУЛАЙМОНОВ:** "Миллий армиямизни шакллантириш, Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Муддатли ҳарбий хизматчи, сержант ёки офицер дейсизми, бари-барига турли имтиёзлар яратилган. Улар давлатимизнинг ижтимоий ҳимоясини яққол ҳис қилишади. Масалан, ўзимни оладиган бўлсам, иқлим шароити оғир бўлган жойда хизмат қилаётганим учун ҳудудий коэффициентлар оламан. Тиббий хизматга эҳтиёжим туғилса, оилам ва ўзимга беминнат, бепул ёрдам кўрсатишади. Хуллас, бундай имтиёзларни кўплаб санаб ўтишим мумкин. Яқинда қабул қилинган Қарор эса давлатимизнинг Ватан ҳимоячиларига алоҳида ғамхўрлиги ифодасини яна бир бор кўрсатиб берди".

**Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир АБДУЛЛАЕВ:** "Биз кичик командирларга – сержантларга армиямиз суянчи ва таянчи, дея улкан эътибор қаратилаётгани қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар, қарорларда ўз аксини топмоқда. Масалан, Қуролли Кучлар сержантлари мақоми тўғрисида ҳужжатнинг қабул қилиниши биз учун янада кўплаб имтиёзларга, ҳуқуқларга йўл очди.

(Давоми 3-бетда)

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) 399,7 ▲ + 2,0 | БЕНЗИН (91) 463,4 ▼ - 1,3 | ДИЗ.ТОПЛИВО 283,1 ▲ + 1,3 | МАЗУТ 77,1 ▼ - 39,9 | СЖ.ГАЗ 334,9 ▲ + 42,1 | МАСЛО ХЛОПК. 814,8 ▼ - 9,6 | САХАР 588,0 ▼ - 0,06 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,07 |

# Фаровонлик манбаи

(Боши 1-бетда)

Бу қонунлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат ер кадастри юритиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Юқорида қайд этилган қонун-



ларни ҳаётга тадбиқ қилиш юзасидан қатор йўриқномалар ҳам ишлаб чиқилган. Энг асосийси "Ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш" бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Бухоро вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. 32 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг ерлари ишлайман, ўзимни ҳам, давлатни ҳам бойитаман деган фермерларга бўлиб берилди. "Ўздаверлойиҳа" институти Бухоро филиали томонидан барча ширкат хўжаликларининг ер майдонлари хатловдан ўтказилди. Бу ҳужжатга кўра тугатилган хўжаликлар негизида 1786 та фермер хўжаликлари тузилиб, уларга 77932 гектар ер майдонлари ажратиш белгиланди. Тендер танловида иштирок этиш учун ҳаммаси бўлиб 3378 та ариза қабул қилинганди. Ўртача битта ўринга 3,1 та талабгор тўғри келди. Бу одамлар ўртасида ерга бўлган эгалик ҳисси ошганлигини кўрсатади.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр давлат қўмитаси буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда вилоят ҳокими тасдиқлаб берган жадвал асосида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, "Ўздаверлойиҳа" институти Бухоро филиалида малакали мутахассислардан иборат 53 кишилик иккита гуруҳ тузилди.

Улар туманлардаги ширкат ҳамда фермер хўжаликларида бўлишиб, ердан мақсадли ва самарали фойдаланишни текширишди. Бундан ташқари экин майдонларида ялпи ўлчов ўтказилиб, режа ва ҳисоботга нисбатан мувофиқлиги бўйича мониторинг олиб борилди. Қонун бузилишига йўл қўйилган кўплаб ҳолатлар бўйича 1268 гектар ер майдони аниқланди. Қонунбузарликлар бўйича жойларда далолатномалар расмийлаштирилди.

Ўзбошимчалик билан бошқа экинлар экилишга йўл қўйилганлиги юзасидан аниқланган камчиликлари бўйича ҳужжатлар туманлар



ер ресурслари ва кадастр бўлимлари мутахассислари томонидан чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

–Ер тўғрисидаги ва қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақидаги қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш чораларини кўраяпмиз, - дейди Бухоро вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Наим Кенжаев. – Ер ресурсларини асраб-авайлаш, унинг самарадорлигини ошириш ва юқори ҳосил олишга эришиш масалаларига доимий эътибор қаратганмиз.

Ер ресурсларидан самарасиз фойдаланганлик учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари белгиланган. Бу борада ер геодекадастрини изчил жорий этиш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ҳамда шунга дахлдор масалалар юзасидан жойларда туман ҳокимлари билан биргаликда семинарлар ўтказилмоқда.

Наим Кенжаевнинг таъкидлашича, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган режа-жадвалга мувофиқ мунтазам текширишлар олиб борилмоқда. Фуқаролардан келиб тушган 63 та ариза ва шикоятлар бошқарма мутахассислари томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилди. Текширишлар жараёнида 41 нафар юридик шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, улар жами 715250 сўм миқдорида жаримага тортилди. Бундан ташқари 621860 сўмлик жарималарни ундириш чоралари кўрилмоқда. 17 ҳолатда ердан хўжасизларча фойдаланилган бўлса, 10 та ҳолатда ҳисоботдан яширилган, 14 та ҳолатда эса ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаш ҳолатлари учрайди. Жумладан, Шофиркон туманидаги Жумагул Ҳамидова, Темурбек Тўймурод ўғли, "Саховат Иттифоқ", Суннатова Ҳамида, Қудрат Хўжа, Гулибодом, Рамазон Норбегим, Иброҳимжон Нуриддинов, "Оназамин 200", Холмурод Хўжаев, "Ҳикматобод" сингари фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўз аризаларига кўра ер майдонлари туман ҳокимлиги тасарруфига қайтарилди.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳосилдор тупроқ давлатнинг



миллий бойлиги сифатида эъзозланади. Хўш, бир қарич тупроқ камида бир челак ҳосил берадиган, тер тўканни қуруқ қўймайдиган унумдор заминдан биз қандай фойдаланяпмиз?

–Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари этиб ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, унинг қадрига етиб фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни авайлаш ва яхшилаш каби мезонлар белгилаб қўйилган, – дея суҳбатга қўшилди Бухоро вилояти ер тузилиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошлиғи Тоир Усмонов. – Мақсадимиз ер майдонларини уста деҳқонлар қўлига топшириш. Шунда она заминга бўлган муносабат тубдан ўзгаради.

Деҳқонларимиз, фермерларимиз қалбида ерга, мулкка эгалик ҳисси кун сайин ошиб боряпти. Буни мулкдорларимиз эришаётган ютуқлардан ҳам билиб олсак бўлади.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





"ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ

унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ўзбек пахтасининг шуҳратини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган азиз пахтакор деҳқонларни, пахта хом ашёсини қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхоналари ишчи-хизматчиларини, акциядорларимизни, республика енгил саноат ходимларини, янги, серунум пахта навларини яратиш устида тинимсиз изланаётган муҳтарам олимларимизни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини Мустақилликнинг 14 йиллик байрами билан қутлайди!

Барчангизга бахт-саодат, шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

Шуҳратинг порласин, токи бор жаҳон!


МАВСУМ

## Август ҳосил тақдирини ҳал қилди

***Август дарҳақиқат, пахтазорларимизда чин маънода ҳар туп ғўзани ясатиш – кўсакка кўсак қўшиш, уларнинг салмоғини ошириш ойига айланди. Бу жараёнга сувчи, механизатор, ғўза зараркунандаларига қарши курашувчи, чеканкачи, мутахассис ўз муносиб ҳиссасини қўшди.***

Пахтакорлар мўл ҳосил орзусида эгат оралаб, ёруғ кунларни ойдин тунларга улашди. Улар ғўзанинг ҳосил тўплашини кузатиб, экинни озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларини юмшатишни шундай ташкил этишдики, ўсимлик ўзи учун керакли барча озуқалардан тўла баҳраманд бўлди, ҳосил тугунчаларини сақлаб, шоналари тўкис ривожланди, кўсаклари кунма-кун тўлишиб борди.

Муҳим агротехник тадбир – ғўза шохларини чилпишнинг аҳамиятини, у қанчалик кунт-эътибор, зеҳн ва билимдонлик талаб қилишини асл пахтакорлар яхши билишади. Шу боис чеканкани ўтказишга мўл ҳосил тўплашнинг асосий омили сифатида қаралди ва бу иш босқичма-босқич давом эттирилди. Пахтакорлар айрим далаларда бу ишни икки-уч маротаба бажаришларига тўғри келди. Пировардида чидам, ғайрат-шижоат ва хоҳиш-интилиш устунлик қилди. Ғўзанинг ҳосил шохларида бўлиқ, салмоқдор кўсаклар кўпайди.

Ғўза зараркунандаларига қарши биологик ва кимёвий усуллар билан курашиш қизғин олиб борилди. Бу йил кўсак қурти, ўргимчакканага қарши биологик усул катта-катта майдонларда муваффақиятли қўлланилганлиги ўз самараларини берди.

Ҳосил тақдирини ҳал қилган август ойи ҳам якунланаяпти. Бугун пахта далаларини айлансангиз, чаноқларда тўлиб турган ҳосилни кўриб қувонасиз. Жанубий вилоятларнинг пахтазорларида кўсаклар ёппасига очила бошлади. Шимолий туманларда ҳам чаноқлар пахтакорлар кўнглини эритиб, ҳосил чамаси қувонтирмоқда.

Теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш, қўл кучи ва машина қувватидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга ҳамиша алоҳида эътибор қаратилади.

Куз ҳавоси ўзгарувчан бўлиши азалдан маълум. Кейинги ҳафта-ўн кунлик об-ҳавоси ҳам буни тасдиқламоқда. Ҳавонинг авзойи тўсатдан ўзгариб, дам ўтмай кўкни булут қоплаш ва ёмғир шивалаб ўтиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бу ҳолат пахтакорлардан отни қамчилашни, бободеҳқонларнинг "Тупдагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб" деган ақидаларига оғишмай риоя этишни тақозо қилади.

Теримда техника воситаларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда гап кўп. Бугунги асосий агротехник тадбир ғўза баргларини сунъий тўктириш билан боғлиқ. Шу сабабли дефолиацияни вақтида, сифатли ўтказиш лозим. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда бу муҳим агротехник тадбир олдидан сўнгги марта қўл мосламалари ва агрегатлар кўздан кечирилиб, дефолиантлар далаларга яқин жойларга келтириб қўйилди. Самолётларнинг учиш-қўниш жойлари тахт этилгани, учувчилар, механизаторлар ва шу юмушга жалб этилганларнинг бехатар ишлашлари хусусида ғамхўрлик, дефолиацияни ўтказиш жараёнида зарурий санитария-гигиена шароитларини яратиш хўжалик ва идоралар раҳбарлари, мутахассисларнинг муҳим вазифасидир.

Вақт кутиб турмайди. Кузнинг илиқ-иссиқ ҳар бир куни ғанимат. Ундан унумли фойдаланиш, дастлабки кунлардан теримга юксак суръат бағишлаш учун дефолиацияни жадаллаштириш, терим машиналарини илдамроқ ишга тушириш керак.

Тинимсиз меҳнат туфайли пахтазорларда мўл ҳосил тўпланди. Қўл теримида ҳам, машина теримида ҳам юқори унумга эришилгандагина етиштирилган барча ҳосилни барвақт, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб оламиз, шартнома режаларини бажаришга эришамиз. Шундагина эл-юрт олдида, Ватан олдида юзимиз ёруғ, қаддимиз тик бўлади. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда ориятли, ваъдасига вафоли, фидойи ҳар бир юртдошимиз фаол қатнашади. Улар юксак хирмонни бунёд этиб, юрт равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**С.ЖЎРАЕВ**

## Дефолиация сифатига боғлиқ

***Дефолиация ўз вақтида ва сифатли адо этилса, пахта ҳосилини машинада, қўлда теришда иш унумдорлиги ошади.***

**Мутахассис тавсия этади**

Бунда эътибор кўсакларнинг очилиш даражасига қаратилиши лозим. Кўп йиллик тажриба натижаларига қараганда, ўрта толали ғўзаларнинг (Хоразм – 127, Оқдарё – 6, С-6524, С-4727, Хоразм – 150 ва бошқалар) 50-60 фоизи очилганда дефолиация ўтказиш яхши натижа беради. Бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорат 17 даражадан паст бўлганда дефолиантларнинг таъсири сусаяди. Тупроқ намлигининг пасайиши ёки ошиб кетиши ҳам баргни тўктиришга салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, тупроқ жуда қуриб қолганда дефолиантларнинг самарадорлиги пасаяди. Тупроқ намлиги даланинг нам сиғимига нисбатан 35-40 фоиз бўлганда ғўза ниҳоятда қуриб қолиши сабабли дефолиантларнинг таъсир кучи пасаяди.

Ғўзани дефолиация қилишда турли навларнинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Хлорат магний дефолиантидан фойдаланиш қоидаларига тўла риоя этилганда у яхши таъсир қилиб, кутилган самарани беради.

У ҳаво ҳарорати юқори бўлганда сувда яхши эрийди. Очиқ ҳавода қолса, нам тортади ва айнийди. Шу боис ҳам уни қуруқ биноларда ва ҳаво ўтказмайдиган идишда сақлаш керак. Кейинги йилларда "юмшоқ" таъсир кўрсатадиган "Дропп-ультра" дефолианти ҳам ишлатилмоқда. Бу препарат бошқалардан 12-15 кун олдин, яъни ҳар туп ғўзада 3-4 кўсак очилганда қўллаш мумкин. Чунки "Дропп-ультра" ишлатилганда барглар қуриб қолмасдан, яшил ҳолда тўкилади. Бунинг ҳисобига пахта толаси ифлосланмайди ва терим даврида ҳосил сифатли бўлади. Хом кўсаклар эса табиий ҳолда етилиб, сифатли тола беради. Бу препаратнинг яна бир афзал томони шундаки, у ўсимликнинг қайта ўсиб кетишига йўл қўймаслиги ҳисобига ҳашаротларни озуқа манбаидан маҳрум қилади.

Шира, оққанот, кўсак қурти каби ҳашаротлар сонининг озайишига омил бўлади. дефолиация сифатли ўтказишнинг асосий шартларидан бири хлорат магний ва "Сиҳат" препаратларининг сепиладиган эритмаларини олдин марказлашган махсус ҳовузларда ёки идишларда тайёрлаб, кейин ОВХ бакларига солишдир. Шундай қилинса, препарат тўлиқ эрийди. Натижада ғўза баргларининг тўлиқ ва сифатли тўкилишига эришилади.

Дефолиантларни қўллашга доир барча ишлар махсус тайёргарликдан ўтган, ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари мутахассислари раҳбарлигида, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят марказлари вакилларининг доимий назорати остида бажарилиши лозим. Дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш ҳосилни энг мақбул муддатларда саранжомлаб олиб, мавсумни муваффақиятли якунлашга хизмат қилади.

**Р.НАЗАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 30 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 855,29 | 1 Польша злотийси | 343,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2044,17 | 1 СДР | 1665,08 |
| 1 Дания кронаси | 187,25 | 1 Туркия лираси | 835,32 |
| 1 БАА дирхами | 308,45 | 1 Швейцария франки | 903,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1132,69 | 1 ЕВРО | 1395,59 |
| 1 Миср фунти | 196,58 | 10 Жанубий Корея вони | 11,00 |
| 1 Исландия кронаси | 17,96 | 10 Япония иенаси | 102,72 |
| 1 Канада доллари | 949,77 | 1 Россия рубли | 39,81 |
| 1 Хитой юани | 139,90 | 1 Украина гривнаси | 224,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 300,65 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**


ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21
*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*




ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.



Утерянные кадастровые документы на землю № 2408355208, выданный 2004 г. ЧП "Мирзаеву У.Р." Мирза Улугбекского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянная круглая печать ЧП "Комилов Дониёр Бахтиёрович", выданный УВД Шайхантахурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянная круглая печать и угловой штамп ООО "TAGA" Юнусабадского района г.Ташкента, считать недействительным.



Товар сертификатланган
"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади
Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210. 23220 траншларини ҳам қабул қилади.



Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 1037234, 1263654
АЗ

